

ДАРС МАШҒУЛОТЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШДА КРЕАТИВ ФИКРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Б.Н. Мамаев

ТУАФ, Иқтисодиёт ва молия кафедраси мудир и.ф.н., доцент

Ш.Б. Носиров

ТУАФ Иқтисодиёт таълим йўналиши 1-босқич магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19949343>

Аннотация

Мазкур мақолада креатив ва танқидий фикрлаш ҳамда уни ҳаётга тадбиқ этиш, ҳар бир раҳбар, ҳар бир инсон ҳаёти давомида ўз мақсадларига эришиши учун ўзини-ўзи танқидий баҳолаб туриши, таҳлиллар натижасида янгича ёндашиши ҳақида сўз боради. Сўнгги пайтларда иқтисодчилар ва тадбиркорлар ўртасида давлатимизнинг иқтисодий сиёсатида импорт чекловларини қўллаш бўйича тортишувлар авж олмоқда. Бу эса ўз навбатида, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш муҳитига ўз таъсирини ўтказиши табиий, албатта.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, тадбиркорлик, сиёсат, чеклов, ислохот, савдо, тариф, квота, субсидия, сертификат, даромад, истеъмолчи

Кириш

Креатив фикрлашнинг долзарб масалалари — бу XXI асрда инсоннинг муваффақиятли фаолияти учун зарур бўлган асосий компетенциялардан бири. У ижодий ечимлар топиш, танқидий таҳлил қилиш ва глобал рақамлашган жамиятга мослашиш қобилиятини талаб қилади.

Сўнгги пайтларда иқтисодчилар ва тадбиркорлар ўртасида давлатимизнинг иқтисодий сиёсатида импорт чекловларини қўллаш бўйича тортишувлар авж олмоқда. Бу баҳслар ижтимоий тармоқларга ҳам кўчиб, турлича популистик фикрлар илгари сурилмоқда. Бу эса ўз навбатида, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш муҳитига ўз таъсирини ўтказиши табиий, албатта.

Креатив фикрлашнинг асосий долзарб масалалари, аввало таълим ва компетенцияларда, хусусан PISA тадқиқотларида креатив фикрлаш XXI аср кўникмаларининг асосий қисми сифатида баҳоланади. Инсондан эса мантиқий фикрлаш, таҳлил ва синтез қилиш, муаммоларга ностандарт ечим топиш талаб қилинади. Рақамлашув ва глобаллашув шароитида жамиятда касблар йўқолиб, янги мутахассисликлар пайдо бўлиши ҳамда маълумот ҳажмини ҳар сонияда ошиб бораётгани учун ижодий ва тезкор фикрлаш муҳимлиги даркор бўлади. Танқидий фикрлаш билан уйғунлик, креатив фикрлаш, танқидий таҳлил билан уйғун бўлиши асосий шарт ҳисобланади. Бунда инсон ўзини-ўзи баҳолаш, янгича ёндашувларни қўллаш орқали мақсадга эришиши мумкин. Ижтимоий ва шахсий омилларда эса мотивация ва фаоллик креатив фикрлашни ривожлантиради. Бироқ маъмурий цензура ва тўсиқлар ижодий фикрлашни чеклаши мумкин.

1-жадвал

Креатив ва танқидий фикрлашни қиёслаш

Йўналиш	Креатив фикрлаш	Танқидий фикрлаш
Асосий мақсад	Янги ғоялар яратиш	Ғояларни таҳлил ва баҳолаш
Усуллар	Ақлий ҳужум, ижодий ёндашув	Мантиқий таҳлил, далилларни солиштириш
Қиймат	Инновация ва янгилик	Хатоларни аниқлаш ва тўғри қарор
Долзарблиги	Янги касблар ва технологиялар	Хавфларни олдиндан кўриш

Иқтисодий фанларни ўқитишда креатив фикрлашни ривожлантириш учун амалий машқлар ва методлар жуда кўп. Улар инсоннинг ижодий қобилиятларини очишга ва муаммоларга янги ечим топишга ёрдам беради. Масалан: Креатив фикрлашни ривожлантириш машқларига ақлий ҳужум (Brainstorming), яъни бирор муammo ёки мавзуда 10–15 та ғоя ёзиб чиқиш, ҳеч қандай ғояни танқид қилмасдан, барчасини қабул қилиб ундан кейин таҳлил қилиб энг яхши вариантни танлаш усули, шунингдек “6 та шляпа” усули (Edward de Bono) масалани турли нуқтаи назардан кўриб чиқиш, оқ шляпа – фактлар ва маълумотлар, қизил – ҳиссиётлар, қора – хавф ва муаммолар, сариқ – имкониятлар, яшил – ижодий ғоялар ҳамда кўк – бошқарув ва умумий хулоса каби машқлар шулар жумласидандир.

Дарс машғулотларини олиб боришда креатив фикрлашнинг яна шундай кўринишлари бор, масалан “Агар...” саволи кўйлади ва унга мос равишда имконият даражасида жавоблар ёзилади, “Агар интернет йўқолса, қандай ишлаймиз?”, бандлик, ишсизлик, инфляция ҳамда инқироз шароитида қандай йўл тутиилиши борасида фикрлар берилди. Креатив ёзиш ҳам ўзига хос смарали усул сифатида роль ўйнайди, масалан бирор мавзуда **эркин эссе ёки ҳикоя** ёзиш. Бу фикрлашни чегарадан чиқаришга ва янги ғоялар яратишга ёрдам беради.

Дарс олиб боришда креатив ёндашув — бу ўқув жараёнини стандарт қоидалардан ташқарига чиқариб, ўқувчиларни ижодий фикрлашга, мустақил изланишга ва янги ғоялар яратишга йўналтиришдир. Унинг асосий мақсади — билимни фақат ёдлаш эмас, балки уни амалда қўллаш ва ижодий ечимлар топишни ўргатиш демакдир.

Креатив ёндашувнинг асосий тамойилларига интерактив усуллар, савол-жавоб, дебат, ролли ўйинлар, ақлий ҳужум, масала ечишга йўналтириш, ўқувчиларга муammo бериш ва уни ижодий ечим билан ҳал қилиш, мултимедиа ва технологиялардан фойдаланиш, хусусан видео, инфографика, симуляция ва онлайн платформалардан кенг фойдаланиш киради.

2-жадвал

Креатив ёндашувнинг афзалликлар ва қийинчиликлар

Афзалликлар	Қийинчиликлар
Ўқувчиларда ижодий фикрлаш ривожланади	Вақт ва ресурс талаб қилади
Дарс қизиқарли ва мотивацияли бўлади	Барча ўқувчиларни фаол жалб қилиш қийин

Афзалликлар	Қийинчиликлар
Амалий кўникмалар шаклланади	Педагогдан юқори тайёргарлик талаб қилади
Танқидий фикрлаш билан уйғунлашади	Тизимли баҳолашни ташкил этиш мураккаб

Дарс олиб боришда креатив ёндашув — бу ўқувчиларни фаол, ижодий ва мустақил фикрлайдиган шахс сифатида тарбиялашнинг энг самарали йўли. Унинг асосий йўналишлари — интерактив усуллар, проект ва кейслар, геймификация ҳамда шахсийлаштирилган таълим. Педагог учун энг муҳим вазифа — ижодий муҳит яратиш ва ўқувчиларни янги ғоялар топишга рағбатлантириш.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, креатив фикрлашнинг долзарб масалалари — таълимда инновацияларни жорий этиш, глобал рақамлашувга мослашиш ва танқидий таҳлил билан уйғунликни таъминлашдир. Бу жараёнда ижодий ёндашув, мотивация ва эркин фикр алмашиш муҳити энг муҳим омиллар ҳисобланади.

Дарс олиб боришда креатив ёндашув ўқув жараёнини жонлантириш, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ва ижодий ечим топишга йўналтиришнинг энг самарали усули ҳисобланади. У интерактив методлар, проект ва кейслар, геймификация ҳамда шахсийлаштирилган топшириқлар орқали амалга оширилади. Креатив ёндашувнинг асосий натижаси — ўқувчиларда ижодий фикрлаш, танқидий таҳлил ва амалиётда билимни қўллаш кўникмаларини шакллантиришдир. Шу билан бирга, педагогдан юқори тайёргарлик, замонавий технологиялардан фойдаланиш ва ижодий муҳит яратиш талаб этилади. Яъни, креатив ёндашув таълимда инновация ва самарадорликни таъминлайди, ўқувчиларни келажакда рақобатбардош ва ижодкор шахс сифатида тайёрлайди.

Хулоса якунида шуни айтиш жоизки, ушбу баҳсли саволларга жавоб топишда энг муҳим аҳамият касб этувчи омил – бу мазкур соҳадаги чуқур илмий тадқиқотлар амалга оширилишидир.

Илмий изланишлар ва замонавий методологиялар орқали олинган мураккаб ҳисоб-китоблар асосидагина мамлакатимиз фаровонлигини ошириш учун оптимал иқтисодий сиёсат йўли танланиши лозим.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Алимова Г.Ф. — “Ўқувчиларни креатив фикрлашга ўргатишнинг тажриба-синов ишлари” (ТДПУ), 2025
2. Азимов Юсуфжон — “Ўқувчиларда креатив фикрлашни шакллантириш ва ривожлантириш” (ЎзМУ Жиззах филиали), 2024
3. A.I.Avazboyev, Ya.U.Ismadiyarov, G.O.Qodirov “Kasbiy pedegogika”, “Nodirabegim nashriyoti”, T-2020;
4. G.M.Anorqulova “Ta’lim texnologiyalari” T-2021;
5. Z.D.Rasulova, Sh.H.Quliyeva, A.R.Jo`rayev “Texnologiya fanini o`qitish metodikasi” Buxoro-2021;
6. М. Ю. Юнусов, Креатив ва танқидий фикрлашнинг мазмун-моҳияти ва асосий тамойиллари, 2021

7. Р. Хожиев Креатив фикрлаш- жамият тараққиётининг муҳим омили, Педагогик таълим кластери: муаммо ва ечимлар, Чирчиқ ш., Халқаро конференция, 2020